



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING FARMOYISHI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармони, шунингдек, Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 11 мартдаги 122-сон буйруғига асосан Ички ишлар вазирлиги ҳузурида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган Жамоатчилик кенгашининг янги таркибини тасдиқлаш мақсадида:

1. Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолияти вазирликнинг 2023 йил 11 мартдаги 122-сон буйруғи талаблари асосида йўлга қўйилсин.

2. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янги таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ҳудудий ахборот хизматлари тегишлилиги бўйича кенгашлар таркибини тузган ҳолда улар фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчиликка доимий равишда етказиб борилишини таъминласин.

4. Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти (А.А.Абиджанов) ИИВ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг фаол аъзоларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириб бориш чораларини кўрсин.

5. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси (Ш.К.Гиясов) ҳамда Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Х.В.Махсумов) Жамоатчилик кенгаши олдида қўйилган асосий вазифа ва функциялардан келиб чиққан ҳолда белгиланган режа ва тадбирларнинг ташкиллаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур фармойиш ижросини таъминлаш Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи, полковник Ш.К. Гиясов зиммасига юклансин.

Вазирнинг биринчи ўринбосари
полковник

Ш.Н. Раҳмонов

Тошкент шаҳри,
2024 йил “24” октябрь
349-сон

**Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши
ТАРКИБИ**

- Ё.Х. Саъдиев – Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, *кенгаши раиси*;
- З.А. Алматов – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси, *кенгаши раиси ўринбосари*.

Кенгаши аъзолари:

- Ш.Ғ. Усманов – “Нуроний” жамгармаси Республика бошқаруви раиси ўринбосари;
- А.А. Азизов – Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви бўлим бошлиғи;
- Д.А. Мирзаев – Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раиси ўринбосари;
- А. Ҳолбеков – “Тараққиёт стратегияси” маркази Ташкилий кадрлар хизмати бошлиғи;
- М.С. Зиқирова – Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи;
- А.А. Нарзуллоев – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директорининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси;
- Ғ.А. Мажидов – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари;
- Р.К. Маликов – “Ўзбекфильм” киностудияси режиссёри;
- М.А. Нурматова – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси Тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлашга қўмаклашиш, касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи;
- Н. Абдураимова – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги қонунчилик, ҳуқуқий тарғибот ва коррупцияга қарши курашиш бўлими мудири;
- Ш.Т. Қудратхўжа – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори;

- | | |
|-------------------|---|
| С.Б. Рашидов | – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори; |
| Л.И. Исламова | – Ўзбекистон Республикаси журналистикани ривожлантириш маркази раиси, “Anhor.uz” сайти бош муҳаррири; |
| М. Хаджимухамедов | – “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директорининг биринчи ўринбосари; |
| А.М. Салихов | – Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ўринбосари; |
| О.Қ. Норбоев | – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими бошлиғи; |
| И.М. Хушев | – “Дунё ўзбеклари” сайти бош муҳаррири; |
| Қ.Қ. Шайхов | – “Qalampir.uz” сайти раҳбари; |
| Усмон Азим | – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири; |
| Х.В. Махсумов | – Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи ўринбосари; |
| А.А. Хамдамов | – ИИВ Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси профессори; |
| Ш.К. Гиясов | – Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи, <i>кенгаш котиби</i> . |

Изоҳ: Кенгаш аъзолари бошқа лавозимга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариши юклатилган ходимлар киритилади.

Жамоатчилик кенгаши таркиби Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишилган.